

Иш № 3-666-21
“Е” № 1-1503-2102/481

Биринчи инстанция судида раислик
қилган судья - М.Улуғбеков
Апелляция инстанциясида маърузачи
бўлган судья - А.Хабибуллаев

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2021 йил сентябрь ойининг 14 куни, Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси ўз биносида, видеоконференцалоқа режимидаги очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Вахобов,

ҳайъат судьялари: Б.Хайдаров ва А.Хабибуллаевдан иборат таркибда, М.Азизовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори Д.Қўлдашев, ҳимоячи М.Азимов ва судланган Ш.Аларнинг иштирокида, Ш.Ага оид жиноят ишини унинг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2021 йил 13 июлдаги ҳукмига кўра:



Ҳужжат имзоланган: Хабибуллаев Азамат Анварович, 18.09.2021



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.А хавфли рецидивист бўлгани ҳолда 2021 йил 10 май куни соат 11⁰⁰ ларда Қўқон шаҳар, “Истиқлол” савдо мажмуасида жабрланган К.Анинг эғнида бўлган сумкаси ичидан бир дона 2.300.000 сўмлик “Samsung Galaxy A21 S” русумли телефон апаратыни киссавурлик йўли билан яширин равишда ўғирлаганликда айбли деб топилган.

Судланган Ш.А апелляция шикоятда, қилмишига иқрор ва пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси А.Хабибуллаевнинг маърузасини, прокурор Д.Қўлдашевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи М.Азимов ва судланган Ш.Аларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Ш.Анинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган ва ҳаракатини ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган бўлиб, шикоятда айблилик масаласига эътироз билдирилмаган.

Судланган Ш.Анинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланган К.Анинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек ҳодиса содир бўлган жойни, Ш.Анинг ҳаракатлари ёзиб олинган видеотасвирларни кўздан кечириш баённомалари ҳамда ишдаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши;

8-моддасида эса, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилики даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти



тўғрисида”ги қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд судланган Ш.Ага жазо тайинлашда, қайд этилган Қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароити, аёллигини, шунингдек жиноятни ғаразли ниятда содир этганлигини, бир неча марта жиноят содир этиб, яна қасддан жиноят содир этганини инобатга олиб, уни ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда у ва бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида қонун доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келганлиги сабабли шикоят важлари билан келшиб бўлмайи.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўзгартириш учун асослар мавжуд эмас.

Шу сабабли, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, Ш.Анинг апелляция шикоятини эса қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹ -моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2021 йил 13 июлдаги Абубакирова Шахнозахон Экринжановнага оид ҳукми ўзгаришсиз, унинг апелляция шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан кассация тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи	/имзо/	Б.Вахобов
Ҳайъат судьялари	/имзо/	Б.Хайдаров
	/имзо/	А.Хабибуллаев

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси

А.Хабибуллаев

